
"Фарғона ҳақиқати": Эзгу ташаббус КИТОБ КАРВОНИ МАЪНАВИЯТ МАНЗИЛИГА ЭЛТАДИ

Китоб инсонга маънавий озуқа берибгина қолмай, унинг тафаккурини ҳам бойитади, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустаҳкам пиллапоя вазифасини бажаради. Шу боис юртимизда китобхонликни тарғиб қилишга долзарб вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Илгари хабар қилганимиздек, Фарғонага кириб келган китоб карвони вилоятимизнинг барча ҳудудларидаги китобсеварларга олам-олам қувонч улашди. Кеча Ислон Каримов номидаги вилоят Театр-концерт саройи саҳнида бўлиб ўтган тадбирда китоблар ўз эгаларига топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шухрат Ғаниев иштирок этди. Шунингдек, бир гуруҳ ёшлар, маънавият фидойилари ҳам ушбу анжуманда жам бўлдилар.

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналари ортилган 200 хил номдаги китоблар жамланмаси барча шаҳар-туман вакилларига тантанали равишда топширилди. Китобга муҳаббат ўқувчини эзгу мақсад, юксак орзулар парвозига чорлашини тадбирда иштирок этган ёшлар яна бир қарра ҳис этдилар.

Маънавият карвонларига ортилган китоблар ҳудудлардаги тасдиқланган манзилларга – Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, халқ кутубхоналарига, маҳалла ва таълим муассасалари кутубхоналари томон йўл олди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ.

Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

2019-06-06 16:50:14